



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ
”КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ
КАСБ ТАЪЛИМИ (ИНФОРМАТИКА ВА ИТ)
КАФЕДРАСИ
”ИНФОРМАТИКА ВА АТ” ФАНИДАН

КУРС ИШИ

Комиссия раиси:

Доц. О.Жакбаров

Аъзолари:

Асс. Ф.Ирискулов

Асс. С.Комилов

Бажарди:

5-КТИАТ-13 гуруҳ талабаси
Хасанов Камолиддин

Наманган – 2015 й.

Наманган муҳандислик-педагогика институти
«Касб таълими» факультети

«Тасдиқлайман» кафедра мудири:

Касб таълими (Информатика ва АТ) кафедраси

«17» Ноябрь 2014 йил

КУРС ИШИ

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича 5-КТИАТ-13 гуруҳ талабаси
О.Жакбаровга С. Комилов раҳбарлигида

ВАЗИФА

1. Ўзбек миллий байрамлари хақида web саҳифа яратиш
2. Дастлабки маълумотлар: Вазифалар бўйича назарий ва амалий маълумотлар. Дастурий таъминотни яратиш учун дастурий ва техник воситалар.
3. Фойдаланиладиган материаллар: 1) Мирраҳимов А. «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари». Тошкент.2001й. 2) А.Ахмедов, Н.Тойлоқов. «Информатика». «Ўзбекистон». 2001й. 3) О.О.Ҳошимов, М.М. Тўлаганов. “Компьютерли ва тармоқли технологиялар”. Дарслик. Тошкент 2009 й. 4) М.Арипов, В. Бегалов ва бошқ. “Ахборот технологиялари”. “Наишр” наиширети. Тошкент 2009 й.
4. **Компьютерда бажариладиган қисмларнинг мазмуни:**
1) Назарий маълумотларни киритиш ва тахрирлаш.
2) Дастурлаш воситалари ва тилларидан фойдаланиб берилган топшириқларни ечиш.
3) Топшириқлар бўйича умумлашган дастурий таъминот яратиш.
5. **Тушунтириш қисмнинг мазмуни:** Кириш, асосий қисм, дастурий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари рўйхати, илова.
6. **Қўшимча вазифа ва кўрсатма:** _____
7. **Курс ишини топшириш муддати:** _____

	1	2	3	4	Тушунтириш хати	Химоя
Режада	19.11.2014	10.12.2014	14.01.2015	28.01.2015		
Амалда	19.11.2014	10.12.2014	14.01.2015	28.01.2015		

Раҳбар: С. Комилов

Талаба: К.Хасанов

Мундарижа

1. Кириш	3
2. Асосий қисм	
2.1. Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти.....	5
2.2. Ўзбек миллий байрамлари хақида web саҳифа яратиш бўйича назарий маълумотлар таҳлили.....	6
2.3. Web саҳифа яратишда фойдаланилган дастурий воситаларнинг имкониятлари.....	11
2.4. Web саҳифани яратиш кетма-кетлиги.....	14
2.5. Web саҳифадан фойдаланиш йўриқномаси.....	18
3. Хулоса.....	26
4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	27

«Ирода ва иймон этиқодимиз синовии»

И.А.Каримов

Информатика атамаси XIX-асрнинг 60-йилларида Францияда вужудга келди. У информация ва автоматика сўзларини бирлашишидан хосил бўлиб, маълумотларни автоматик қайта ишлаш деган маънони билдиради. Инглиз тилида гаплашадиган мамлакатларда у компьютер фани деб аталади.

Мустақил фан сифатида информатика 40-йиллар охирида техника, биология ижтимоий ва бошқа соҳаларда кибернетика фани базасида вужудга келди. Информатика атамасини 1969-йилда француз олимлари томонидан киритилган бўлиб, унинг маъноси аслида «Ахборотларни шаклан алмаштириш» деган маънони англатади. Бу фан Ғарбий Европа давлатлари ва Америкада «Computer Science» МДХ ва Шарқий Европа давлатларида эса «Информатика» номи билан юритилади. Биринчи ЭХМ лар хажми жихатидан хозиргиларидан анча катта ва бир мунча кўполроқ эди. Улардан фойдаланиш ҳам анча мураккаб, ҳамда ундан фойдаланувчилар сони кўпчиликни ташкил этган. Яъни ЭХМ ни назорат қилишда кадрлар кўпчиликни ташкил этган. Замон ривожланган сари ЭХМ лар ҳам ривожланиб борди. Лампалар асосида ишловчи ЭХМ лар, сўнг транзистор деб аталувчи қурилма ёрдамида ишловчи ЭХМ лар, мана шу каби замон ривожланган ўзгариб борди.

Хозирда бу ЭХМ лар кўпроқ «компьютер» деб аталади. Компьютер-инглизча сўз булиб, у хисобловчи демакдир. Гарчанд у хозирда хисобловчи бўлмасада, матнлар, товуш, видео ва бошқа маълумотлар устида ҳам амаллар бажаради.

Хозирги компьютерларнинг хотираси хажми 1 секундда бажарадиган амаллар тезлиги, маълумотларнинг разряд тўрида (ячейкаларда) тасвирланишига қараб 5 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Супер компьютерлар (Super Computer)
2. Блок компьютерлар (Manframe Computer)
3. Мини компьютерлар (Mini Computer)
4. Шахсий компьютерлар (PC-Personal Computer)
5. Блокнот (Noutbook) компьютерлар.

Мана бу юқорида санаб ўтилган ЭХМ лар хозирги замоннинг улкан ютуқларидандир. Улар жуда катта тезликда амаллар бажариши билан биринчи ЭХМ лардан ажраб туради.

Информатика фани хозирги замоннинг энг муҳим соҳаларидан бири хисобланади. Чунки хозирда деярли барча долзарб муаммолар ечимини мана бу фан ёрдамида ечилмоқда. Хозирда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган янгиликлар албатта компьютер техникаси

ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу билан инсон компьютер ёрдамида ўз ишини самарадорлигини керак бўлса 100 баробар енгиллаштирмоқда. Информатиканинг асосий вазифаси ахборотларни қайта ишлашнинг янги усуллари ва воситаларни яратиш ҳамда уларни амалиётда қўллашдан иборат. Демак ўз-ўзидан кўриниб турибдики, инсон қўли билан, акли билан қиладиган меҳнатларни компьютер техникаси ёрдамида жуда онсон ҳамда жуда тез бажариш мумкин. Қолаверса бу техника ёрдамида ҳозирда дунёнинг ҳар бир нуқтасида алоқада бўлиш мумкин. Хаттоки коинотда ҳам.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик одимларини дадиллик билан қуяётган ҳозирги даврда ахборотлашган жамият қуриш масаласи мамлакатимиз учун катта аҳамият касб этмоқда. Республикамизда жамиятимизни ахборотлаштириш мақсадида бир қанча қарор ва қонунлар қабул қилинди. Масалан: 1993-йил 7-май ва 2003- йил 11-декабрдаги «Ахборотлаштириш» тўғрисидаги қонун, ҳамда 2011-йил 27-октябрдаги «Ишчи ходимлар малакасини компьютер техникаси ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб ошириши» тўғрисида қабилар фикрларимизнинг ёрқин далили ҳисобланади.

Информатика фани ҳозирда давлат аҳамиятига лойик соҳалардан бири бўлиб қолди. Юқорида айтиб ўтилган фикрларимиз нуқтаи-назардан олиб қарайдиган бўлсак, бу соҳа йилдан-йилга, кундан-кунга ҳарсоат-у ҳар секундда юқори ва тез суратларда ривожланиб бормоқда.

Масалан: Чет давлатларидаги олий ўқув юртларда ўқиш истагида бўлган ҳар бир талаба ҳозирги замоннинг энг катта ютиқларидан бўлган глобал тармоқ орқали оғзаки, ёзма ва юзма-юз суҳбат қуриш ҳолларида имтиҳон топшириш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу ҳам фаннинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари бизнес оламида, қолаверса турли соҳаларда бу ҳам жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Одамларни узоғини қайсидир маънода енгиллатмоқда. Фанни янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда.

2014-йил «Соғлом бола » йилида ҳам юртимизда катта ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар албатта турли соҳаларда амалга оширилди. Спорт соҳасида ҳам, ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик соҳасида ҳам, илм фанда ҳам, қолаверса «Информатика» деб аталувчи манна бу соҳада етарлича ислохотлар, ўзгаришлар, янгиликлар юз берди.

Глобал тармоқ бўлмиш интернетда ҳам ривожлантириш юксалиб бормоқда. Турли хил янги сайтлар, парталлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «Artel» фирмасига тегишли янгидан-янги техника воситалари ҳам бунга ёрқин мисолдир. Бу ҳам юртимизда бу соҳага қаратилган юксак эътибор натижаси эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари Республикамизда ўз йўлини топиб бораётган «Uz Mobile», «Uz Telecom» компаниялари «Соғлом бола» йилида ўз фаолиятларини бир мунча яхшиладилар. Масалан: Янгидан-янги уяли алоқа воситаларини омма эътиборига ҳавола этилди. Алоқалар олдингидан анча ўсди. Мана булар ҳам

мамлакатимизда «Ахборот технологиялари»га қаратилган юксак эътибор самараси эмасми?

Демак бу сохага қанча эътибор берилса, у ўз самарасини кўрсатишини биз юқоридаги фикрлардан билиб олишимиз мумкин. Мамлакатимизда жамият қурилиши тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алохида эътибор берилмоқда. Шу фикрлар самараси ўлароқ мен ўз мавзуим бўйича яъни «Ўзбек миллий байрамлари» хақида Web саҳифа яратиб, уни глобал тармоқга жойлаб, «Ўзбек миллий байрамларини» дунё ахлига танитиш хисобланади. Буни мен ўз олдимга юксак мақсадлардан бири деб олдим.

2.1 Масаланинг қўйилиши ва унинг ахамияти

Хар бир ишни бошлашдан олдин одам ўз олдида мақсад қўйиб олмоғи лозим. Жумладан мен ҳам топширилган вазифани бажаришни ўз олдимга мақсад қилиб олдим.

Менга курс иши сифатида Ўзбекистонда мавжуд байрамлар яъни «Ўзбек миллий байрамлари» мавзусида web саҳифа яратиш вазифаси юклатилган. Мен буни қуйидаги тартибда амалга оширмоқчиман.

Кириш: фаннинг тарихи, фаннинг бугунги кундаги ҳолати, сохага

оид қарор ва буйруқлар, фаннинг ривожланиш истиқболлари ва у йилдаги янгиликлар.

Асосий қисм:

Масалани қўйилиши ва унинг амалий ахамияти. Бу қисм web саҳифани яратишдан мақсад унинг оммавийлик ва фойдаланувчига етарлича маълумотлар билан тўлдирилганлигидир.

Ўзбек миллий байрамлари мавзуси бўйича назарий маълумотлар тахлили. Яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг, ўз анъаналарини, урф-одатларини, миллий қадриятларини, миллий байрамларини қайта тиклаганлигидир.

Web саҳифани яратишда фойдаланилган дастурий воситаларнинг имкониятлари. Бунда web саҳифа яратиш мобайнида уни турлича тасвирлашимиз мумкин. Бунда бизга керак бўлган дастурлардан «SWF TEXT», «Aleo 3D Flash», «Flash Intro Banner» ва шунга ўхшаш дастурларга мурожат қиламиз.

Web саҳифани яратиш кетма-кетлиги. Бу қисмда биз бажарган ишимизни кетма-кетлиги кўрсатиб чиқамиз. Яъни яратилаётган Web саҳифани қай тартибда амалга оширганимизни кўрсатиб ўтамиз. Бунинг қулайлиги фойдаланувчи қийинчиликларга дуч келмаслигидир.

Яратилган Web саҳифадан фойдаланиш юриқномаси. Бу қисмда Web саҳифада қандай қилиб ишга туширишдан бошлаб ундан қандай фойдаланиш кетма-кетликлари ёритиб берилади.

Хулоса- курс иши ёзиш мобайнида олинган билимлар, таассуротлар тахлили.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлар рўйхати. Бунда мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар ва фойдаланилган сайтлар тўплами кўрсатиб ўтилади.

Илова- Бу бўлим web саҳифани яратиш мобайнида керак бўлган барча қўшимча маълумотлар ҳисобланади.

Масаланинг амалий аҳамияти шундан иборатки, мен ёритиб бермоқчи мавзу яъни «Ўзбек миллий байрамлари» ҳақидаги Web саҳифани глобал тармоқга жойлаш. Бундан асосий мақсад нима? Асосий мақсад бизни миллий байрамларимизни, урф-одатларимизни ва қолаверса маданиятларимизни жаҳон аҳлига тақдим этиш. Уларга яхши таассурот уйғотиш ва асосий мақсад дунё аҳлига Ўзбекистон деб аталувчи буюк давлатимизни шухратини янада оширишдир.

Юқоридаги амаллар кетма-кетлигини тўлиқ ва аниқлик билан бажарилса, мен шуни маълум қиламанки берилган топшириқни юқори даражада бажарган бўламан. Бу эса олдимга қўйилган мақсадни амалга ошишини таъминлайди.

2.2 Ўзбек миллий байрамлари мавзуси бўйича назарий маълумотлар таҳлили.



(1.1-расм)

Ўзбекистон Республикасининг асосий миллий байрамларидан бири бу «Мустақиллик» байрамидир. Ушбу байрам 1-сентябрь куни маросимли ва ранг баранг шаклда нишонланади. Миллий байрам дўстлик, хайрия ва ҳар томонлама ҳурматга таянган ўзбек халқининг барча орзуларини намоён этадиган байрамдир.


Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари миллатига, динига ва келиб чиқган ирқига қарамасдан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаол нишонлайдилар. Мустақиллик эзгу орзу эди. Мустақиллик, озодлик ва истиқлол ўзаро маънодош эканини яхши биламиз. Бу сўзлар замирида қанчадан-қанча одамларнинг меҳнати ётибди. Ватаннинг энг буюк бойлиқларидан бири унинг мустақиллиги. Шунинг учун бу кунда тутайлик-ки, мустақиллик ва озодлик ҳеч қачон, ҳеч қайси даврда

осонлик билан қўлга киритилмаган. Истиқлолга эришиш, уни асраб-авайлаш, мустахкамлаш, мустақилликга таяниб, ўзхалқи ва миллатини дунёга танитиш, унинг имкониятларини намоён этиш учун шу элнинг мард ва жасур, билимдон ва маърифатли фарзандлари йиллар давомида кураш олиб боради, керак бўлганда, бу эзгу мақсад йўлида жонини ҳам аямайди.



(1.2-расм)
ҚурбонХайити(Ийд-ал-Адха)

Мусулмонлар томонидан нишонланадиган дунёдаги энг катта диний байрамлардан биридир. Бу байрамнинг негизи, ўз ўғлини Оллох йўлида қурбон қилишга тайёр бўлган Пайғамбар Иброхим билан боғлиқ бўлган тарихий воқеага тақалади, Шунда унинг харакати Оллох томонидан тўхтатилиб ўрнига хайвон (қўй, туя ва бошқа жонлик) қурбон қилиш буюрилади. Байрам уч кун давом этади ва мусулмонлар бу кунларни оила ва қариндошлар даврасида ўтказадилар. Байрам кунлари кишилар узоқ-яқинда яшовчи яқинларини холидан хабар оладилар, мухтожларга ёрдам берадилар. "Қурбон Хайити"нинг биринчи куни дам олиш куни ҳисобланади.



(1.3-расм)

Рамазон Хайити (Ийди Рамазон)

Ушбу байрам Рўза хайити сифатида танилган ва мусулмон (Хижрий) календарининг 9-ойига тўғри келади. Байрам 30 кундан иборат бўлиб, рухий хамда маънавий тозаланиш анъанаси ҳисобланади. Унинг шартлари қуюдагича: кун чиқишдан то кун ботганга қадар овқат ва сув истеъмол қилмаслик; ёмон ўйлардан сақланиш; атрофдагиларга хурматда бўлиш ва уларга имконият даражасида яхшилик қилишдан иборатдир.

Ушбу шартларни бажаргандан сўнг уч кундан иборат бўлган Рамазон Хайити бошланади. "Рамазон Хайити" биринчи куни дам олиш куни ҳисобланади.



(1.4-расм)

Наврўз байрами

Наврўз ([форсча](#) نوروز — „янги кун“) — баҳор [байрами](#), хамда [форс](#) ва [туркий](#) халқларида [янги йилнинг](#) биринчи куни. „Наврўз“ сўзи форсчадан таржима қилинганда, „янги кун“ маъносини беради. [Эрон](#), шунингдек, [Марказий Осиё](#) ва [Кавказда](#) наврўз [21-март](#) куни, [Қозоғистонда](#) эса, [22-мартда](#) нишонланади.

Тарихий манбаларда келтирилишича ва олимларимиз фикрига кўра, Наврўзнинг шаклланиш даври — энг қадимги замонлардан „Зардуштийлик“нинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади.

Ўзбек халқининг алломаларидан бири Абу Райхон Беруний „қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар“ китобида қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи оyi деб саналган Фарвардин оyi тўғрисида сўзлаб: "Бу оyнинг биринчи куни Наврўздир, — дейди. — Наврўз йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи хам шу ма'нони англатаркан. Наврўз эронликлар „зиж“лари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини қабиласи қилган вақтларида қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди.

Сўнгра у орқага сурилгач, бахорга келадиган бўлди. энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни бахор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан, гуллар очилган, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлашдан такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган" дея изохлайди.



(1.5-расм)

Бугун мана яна элимизга Наврўзи олам уз сепини ёймокда. Маълумки, халқимиз истак-хохишларини эътиборга олган холда Юртбошимиз томонидан, 21-мартни дам олиш куни деб эълон қилинган.

Наврўз барча вилоятларнинг шаҳару қишлоқларида, корхоналарида, илм-фан даргохларида ўзига хос тарзда кўтаринки кайфият ва ташаббус ила ўтказилади. Байрам куни турли хил мусобақалар, қариялар билан мулоқотлар бўлади. Бахор кўкатларидан тайёрланган нозу неъматлар тортиқ этилади. Наврўзни асосий таоми бўлмиш “Сумалак” пиширилади. Барча вилоятларнинг энг истеъдодли ва ёш хонандалари хизматда бўладилар.



(1.6-расм)

**Тошкент шаҳри 2014 йил 18 апрел
9-май «Хотира ва қадрлаш куни»ни нишонлаш
юзасидан тавсиялар «Биз ғалабага шонли хисса
қўшиб, инсониятни фашизм балосидан холос этиш
йўлида жонини қурбон қилган ота-оналаримиз
нинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб
тазим қиламиз»**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов**

Халқимиз қадим-қадимдан ўтган авлодларни муносиб хотирлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 мартдаги фармониغا биноан 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. «Хотира ва қадрлаш куни» ўз моҳияти билан бошқа байрам ва анъаналаримиздан фарқ қилади. У оламдан ўтган аجدодларни эслашгина эмас, асрлар мобайнида Ватан учун курашда ҳалок бўлганлар хотирасини ҳурматлаш ҳамдир.

Хозир юртимизда «Хотира ва қадрлаш куни»ни нишонлаш борасида талай яхши ишлар қилинмоқда. «Хотира ва қадрлаш куни» аждод-авлодларни бир-бири билан боғлаш, юрдошларимизни меҳр-шафқат, мурувват, ўзлигини англаш, ҳаётнинг қадрига етиш хиссини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаверади. Аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги ана шундай олийжаноб ишларга Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги Тошкент шаҳри марказида барпо қилинган «Хотира майдони», Бўзсув канали бўйича бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи яққол мисол бўла олади.

2.3 Web саҳифани яратишда фойдаланилган дастурий воситаларнинг имкониятлари.

Менга топширилган курс ишини бажаришда қуйидаги дастурий таъминотлардан фойдаландим.

1. Microsoft office Front Page
2. SWF Text
3. Aleo 3D Flash
4. Aleo Flash Intro Banner

Фараз қилайлик, сиз бирор бир ташкилотнинг масъул ходимисиз. Сизнинг асосий вазифангиз ушбу ташкилот ҳақида интернет тизимига маълумот етказиб бериш ҳамда шу йўл билан ташкилотингизга келадиган мижозларни сонини иложи бориचा кўпайтириш. Демак, сизнинг олдингизда интернетда ташкилотингиз ҳақидаги қизиқарли маълумотларни акс эттирадиган саҳифа ёки бошқача қилиб айтганда Web сайт яратиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Сизда эса бундай ишларни қилиш учун билим ҳам, тажриба ҳам етарли эмас. Худди шундай ҳолатларда сизга Microsoft office Front Page амалий дастури ёрдам беради. Microsoft office Front Page дастурнинг асосий ойнасини HTML тугмачаси босилган ҳолатда HTML тилнинг бир қанча буйруқларини кўриб чиқишингиз мумкин.

Microsoft office Front Page дастури орқали нафақат Web саҳифалар тузиш, балки уларни мақсадга мувофиқ равишда бошқариш ҳам мумкин. Бу дастурнинг асосий ойнаси уч таркибий қисмга бўлинган бўлиб, улар Web сайтни хилма-хил усулда бошқаришга ёрдам беради.

Биринчи қисмнинг номи Views bar яъни «кўриш режимлари панели» деб аталади ва у Web сайтни кўриш режимларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Улар билан қуйида танишишингиз мумкин:

Page {саҳифа} Web саҳифаларни кўриш ва таҳрирлашга имкон беради.

Folders {папка} жорий Web сайтни папкалари рўйхати ва файлларни кўришга имкон беради.

Reports {хисобот} жорий Web сайтни ҳолати ҳақида жадвал шаклидаги хисоботни кўрсатади шу жумладан ушбу режимда нотўғри иловалар ва секин ишлайдиган саҳифалар сонини кўриб чиқиш мумкин.

Navigation {навигация} жорий Web сайтнинг ҳолати яъни дарахт симон тузилишини кўриш имконини яратади.

Folder list {папкалар рўйхати} ушбу сайтнинг папка ва файллари кўринади.

Task {масалалар} жорий Web сайт билан ишлаган даврда бажарилиши лозим бўлган масалалар рўйхатини акс эттиради.

Hyperlinks {гиперилвалар} жорий Web сайтга ва ундан бўлган гиперилваларнинг ўзаро боғланишининг график тузулишини схема тарзида кўрсатади.

Маълумот киритишни сўраб, улар асосида сайтлар ташкил қиладиган мастерлардан фарқли равишда шаблонлар тайёр Web сайтлар асосида ишлашга имкон беради.

Бунда олдиндан тайёрлаб қўйилган Web сайтларни танлаган холда, уларни ўз таркибини талабларингизга мослаштиришингиз ёки ўзлаштиришингиз мумкин. Front Page дастури қуйидаги шаблонлар билан ишлашга имкон яратади.

Personal Web {шахсий сайт} бундай сайт ўз ичига шахсий маълумотларни қамраб олади. Унда фотоальбом, муаллиф қизиқиларини кўрсатадиган саҳифа, бошқа сайтларга бўлган мурожатлар бўлиши мумкин.

Project Web {лойиха сайти} бу бир лойиха устида ишлаётган бир қанча мутахассислар орасида маълумот алмашиниши таъминлаб берадиган сайт бўлиб, у гуруҳ аъзолари рўйхати саҳифасини, иш жадвали саҳифасини, маълумот алмашиниш дарчасини ҳамда сайтда маълумот ахтаришни таъминлаб берадиган саҳифани ўз ичига олади.

One Page Web {бир саҳифали сайт} фақат бир саҳифадан иборат бўлади.

Empty Web {бўш сайт} мустақил равишда ташкил қиладиган Web сайт бўлиб ўз таркибига ҳеч қандай тайёр Web саҳифаларни олмайди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики Microsoft office Front Page амалий дастури ёрдамида ўзимизга керакли бўлган Web саҳифаларни турли хил усулларда тез ва сифатли даражада бажариш мумкин эканлигини билиб олдик.

Агарда тайёр шаблондан фойдаланмасдан ўзимиз Web саҳифа яратадиган бўлсак қуйидаги ишларни амалга оширамиз.

File очилиб ундан New {создаты} бўлимини танланади. Хосил бўлган ойнадан Customer Support Web {исътемомчиларга хизмат сайти} белгиси танланиб турса, фирма маълумотларидан фойдаланувчи исътемомчиларнинг муаммоларини хал қилиш учун мўлжалланган Web сайт яратиш учун мўлжалланган шаблон хосил бўлади. Лекин белгини туртишдан аввал Specify the Locations of The New fayl {йанги ва сайтнинг жойлашиши} деб номланган майдонда яратилмоқчи бўлинган сайтнинг номини ёзиш керак бўлади.

Мана шу кетма-кетликларни белгиланган тартибда тўғри ва аниқ бажарилса кўзланган мақсадга эришиш онсон бўлади.

SWF text дастури ҳақида SWF Text графика яратиш ва таҳрир қилиш учун қўлланмоқда. Бу дастурда инструментлар панели жуда яхши ва мукамал ўйлаб топилган ва киритилган. Хуллас, бу дастур асосан HTML тиле учун яратилган десак муболаға бўлмайди.

SWF Text дастурида Web саҳифа учун керакли SWF форматидаги кичик видео ролик тайёрлаш мумкин. Яъни Web саҳифага фон

бериш, унда турли хил ёзувлар жойлаштириш, уларни турли хил усулда харакатлантириш мумкин. Бу эса Web саҳифага янада чирой беради.

Бу дастурга расмларни чақириб олиб, уларга ўзгартириш киритиш, ёзувлар кўшиб уларни харакатлантириш мумкин. Тайёр маҳсулотни чоп этишда ахамиятни қаратадиган нарса бу «видео ролик»ни хажмларини ўзгартириш талаб этилади. Бу эса видео роликни web саҳифага боғлаганда сифати чиройли бўлишини таъминлайди.

Aleo Flash Intro Banner дастури ҳам асосан графика ва тахрир қилиш учун қўлланади. Бу дастурда web саҳифа учун муқовалар, турли хил кўринишдаги видео роликлар тайёрлаш мумкин.

Дастур инструментлари ҳам мукамал ишлаб чиқилган. Дастурда жойлашган видео эффектлар бунга ёрқин мисолдир. Бу дастур SWF Text амалий дастуридан кейинги дастур ҳисобланади. Яъни SWF Text амалий дастурида мавжуд бўлмаган бўлимлар, эффектлар бу дастурда келтирилган. Улар ёрдамида web саҳифа учун чиройли кўринишлар, реклама роликлари яратиш мумкин. Бу эса web саҳифа дизайнини янада ўзгартиради. Хамда унинг чиройига-чирой бахш этади.


«Aleo 3D Flash» дастурида асосан расмлар билан ишланади, яъни расмларни турли хил услубларда чоп этиб беради. Бу эса дастурга янада чирой, саҳифага янада жозиба беради. Бу дастурдан фойдаланишда асосан керакли бўлган расмлар дастурга чақириб олинади. Дастур ишлаши учун эслатиб ўтиш жоизки, расмлар «JPEG» форматида бўлиши талаб этилади. Расмлар чақириб олингач, уларга «Style» яъни уларни чиройли кўринишда чоп қилиш учун уларга кўриниш берилади. Бу амал бажарилгач эса тайёр маҳсулотни чоп этишда HTML га алоқадор бўлган бўлим танланиб, «swf» форматидаги маҳсулот чоп этилади.

2.4 Web саҳифани яратиш кетма-кетлиги:




(1.7-расм)

Web саҳифани яратиш учун аввал «Пуск» тугмасига кирамиз. Бу бўлимдан «Все программы» бўлими танлаймиз. Хосил булган ойнадан «Microsoft office» танланиб, у ердан «Microsoft office Front Page» амалий дастури танланади. Бу амаллар юқоридаги тасвирда кўрсатиб ўтилган.




(1.8-расм)

«Microsoft Front Page» дастурига кирилгач юқоридаги ойна хосил бўлади. Демак, web саҳифа яратишда менга шаблон керак бўлади. Шаблон орқали биз керакли амалларни бажариб, кўзланган мақсадга эришамиз.




(1.9-расм)

Керакли шаблон танлангач, унинг индексини «Microsoft office Front Page» амалий дастури ишчи ойнасига чақириб олинади. Шундан сўнг веб саҳифани яратишни бошланади.




(2.1-расм)

Бизга керакли бўлган шаблон танлангандан сўнг экранда юқидаги сурат хосил бўлади. Шундан сўнг web саҳифани яратиш учун шаблонга ўзгартириш киритишни бошлаймиз.




(2.2-расм)

Бунинг учун бизга бир неча ёрдамчи дастурлар керак бўлади. Булардан бири «SWF Text» дастуридир. Юқоридаги суратда унинг ишчи ойнаси тасвирланган. Унинг ёрдамида саҳифа учун турли хил кўринишдаги кичик видео роликлар яратиш мумкин. Бу эса саҳифа дизайни учун керакли восита ҳисобланади.




(2.3-расм)

«SWF Text» дастурида web саҳифамиз учун керакли бўлган кичик видео ролик ёки анимацион ролик яратиш оламиз. Уни яратиш юқоридаги суратда ёритиб берилган. Дастур менюларидан оқилона фойдаланиб, керакли анимация яратилгач, эътиборни қаратадиган жой бу-тайёр маҳсулотни HTML га алоқадор бўлган «swf» форматида сақлаймиз.



(2.4-расм)


Web sahifani yaratishda faqatgina «SWF Text» dasturidanгина колмай, балки «Aleo Flash Intro Banner» dasturidan хам фойдаланамиз. Бу dastur ёрдамида web sahifamiz uchun мукова қисмини yaratib оламиз. Унинг кулайлиги шундан iboratки, «SWF Text» dasturida mavjud бўлмаган эффектлар борлигидадир. Менюлардан оқилонга фойдаланиб, керакли мукова қисми yaratib оламиз.



(2.5-расм)


«Aleo Flash Intro Banner» dasturida тайёрланган мукова қисмини sahifaning керакли жойига «вставка» бўлимига кириб у ердан «веб компоненты» бўлимини танлаймиз. Хосил бўлган жорий ойнадан «дополнительные элементы» бўлимига ўтиб, «Филм в формате флэш» бўлими танланади. Кейин сақланган махсулотни сақланган жойидан sahifaга чақириб олинади.

2.5 Яратилган web сахифадан фойдаланиш йўриқномаси



(2.6-расм)


Яратилган web сахифадан фойдаланиш учун дискга мухрланган сахифа диски компьютер дисководига солинади.



(2.7-расм)


Диск ўқилгандан сўнг юқоридаги ойна хосил бўлади. Ундан web сахифани асосий индекси исталган «браузер» ёрдамида ишга туширилади.

1.




(2.8-расм)

Ойнинг юқори қисмидаги тугмалар web саҳифанинг асосий қисми ҳисобланади. Чунки бу тугмаларнинг ҳар бирига керакли маълумотлар боғлаб қўйилган. «Миллий байрамлар» тугмасига кирилганда унга бириктирилган қўшимча тугмалар ҳосил бўлади. Улар ичидан «Халқаро хотин қизлар куни» тугмасига боғланамиз.




(2.9-расм)

Тугмага боғланилгандан сўнг экранда байрамга тегишли барча умумий маълумотлар турли хил ажойиб суратлар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу юқоридаги ойнада тасвирланган.




(3.1-расм)

«Хотира ва кадрлаш куни» тугмасига боғлансак ҳам байрам хақида умумий маълумот ҳосил бўлади.




(3.2-расм)

«Ватан химоячилари куни» тугмаси ҳам ўзида байрамга тегишли барча маълумотларни жамлаган.




(3.3-расм)

«Конститутсия» тугмасига боғлансак асосий қомусимиз бўлган Конституция хақида умумий маълумотлар суратлар ёрдамида намоён бўлади.



(3.4-расм)

«Мустақиллик» тугмасида эса бизнинг энг улуғ ва шарафли байрамларимиздан бўлган Мустақиллик байрами хақидаги барча қизиқарли маълумотлар жамланган.




(3.5-расм)

«Қурбон байрами» тугмаси ҳам ўзида байрамга тегишли барча маълумотларни мужассамлаштирган.




(3.6-расм)

«Хайит байрами» тугмасига боғланилса ҳам байрам хақидаги тўлиқ маълумотлар жамланмаси экранда хосил бўлади.




(3.7-расм)

«Наврўз» тугмасига боғланилгандан сўнг, у хақидаги маълумотлар бир-бирдан чиройли суратлар ёрдамида экранда акс этади.




(3.8-расм)

«Устоз ва мураббийлар» тугмаси хам устоз ва мураббийларга тегишли барча сўнги маълумотларни ўз ичига қамраб олган.




(3.9-расм)

«Видеолавхалар» тугмасида шоу бизнес олами юлдузларининг ажойиб тароналарига олинган видео махсулотлари жамланмаси уларнинг суратларига бириктириб қўйилган. Уларнинг суратларига боғланилса уларнинг клиплари экранда жонланади.




(4.1-расм)

«Биз хақимизда» деб номланувчи тугмага боғланилса унда «Сайт хақида» деб номланувчи қўшимча тугма хосил бўлади. Унда сайтнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари акс эттириб берилган.



(4.2- расм)

«Видеороликлар» тугмасида барча байрамларга тегишли суратлардан килинган видеороликлар жамланган.



(4.3-расм)

«3D collect» тугмасида байрамларнинг суратлари ажойиб тарзда тасвирлаб берилган. Бу эса web саҳифа дизайнини янада гўзаллаштиради.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки инсон бир ишни бошлашдан олдин уни яхши ўйлаши лозим. Менга топширилган «Ўзбек миллий байрамлари» мавзусидаги web яратишда шунга амин бўлдимки, хали мен ўрганадиган ишлар жуда кўплиги, танишиб чиқадиган янги амалий дастурлар керагидан ортиқ экинлигини, бир гап билан айтганда информатика фани жуда кенг тамоқли эканини тушуниб етдим.

Web яратиш давомида бир неча амалий дастурлар билан танишиб чиқдим. Уларни мухотида маълумот қидириб топиб, изланиб, ишлашни ўргандим. Мисол учун:

«Aleo Flash Intro Banner » дастурида ишлашни ўргандим. Бу дастур жуда қизиқарли экани билан бошқа дастурлардан ажралиб туради.

Бундан ташқари web саҳифа яратиш давомида жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Ўзим тушунмаган дастур ёки маълумотларни устозларимдан сўраб, тушуниб олдим.

Мен бу яратган web саҳифам орқали жуда кўп керакли озуқа олдим деб ўйлайман. Бу бошлаган кичик ишимни янада кучайтириб, келажакда бундан яхшироқ ишлар қилишга, информатика соҳасини янада мукамалроқ билишга ўзимда иштиёқ сездим.

Шунинг учун ҳам мен яхшироқ ўқишим, изланишдан тўхтамаслигим ва бир ишни бошлашдан олдин уни ўйлаб, таҳлил қилиб, сўнг уни бажаришим керак бўлади. Бу эса инсондан куч, ғайрат, сабр-қаноат талаб этади. Бир гап билан айтганда инсон ўз устида меҳнат қилмаса, изланмаса у юксала олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Информатика» Боқиев Р, Йўлдашев У
Тошкент 2001 йил
2. «Ахборот технологиялари» А.А.Абдуқодиров, А.Т.Хайитов
Тошкент 2002 йил
3. «Office техникаси» В.Л.Бройдо
Тошкент 2001 йил
4. «Информатика» Ахмедовб Тойлоқов Н.И
«Ўзбекистон» 2-нашри»
5. «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари» А.Р.Марахимов
Тошкент 2000 йил
6. «Виртуал кутубхона» С.И.Рахмонқуловаб Ф.З.Ғозиев
Тошкент 2000 йил
7. «Интернет ва электрон почта асослари» М.Арипов
Тошкент 2000 йил
8. «Информатика ва информацион технологиялар» М.Арипов
Тошкент 2001 йил
9. «Информатика» А.Хайдаров, М.Арипов
Т.ЎЗМУ 2002 йил
10. «Eduportal.uz» Ўзбекистон Зеспубликаси ахборот таълим портали